

“Сиз Ўзбекистонни биласизми?” халқаро онлайн викторинаси ёзма ТОПШИРИҚНОМАСИ

Викторинанинг мазкур шарти иштирокчиларнинг таклифлари ва қизиқишларини инобатга олиш, улар билан давомли алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган.

Мазкур ёзма баёнда иштирокчилар учун **5 та саволлар** жамланмаси тақдим этилади. Ҳар бир тўлиқ берилган жавоблар **5 баллдан** баҳоланади.

Саволларда ватандошлар ўзлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг қобилиятлари, ва мулоҳазаларини акс эттирган жавобларни ёзишлари керак бўлади.

Баёнда қуйидагилар акс этиши лозим:

- 1. Ўзингиз ҳақингизда маълумот беринг** (*туғилган йилингиз, жойингиз, қизиқишларингиз, айти пайтдаги фаолиятингиз ва бошқалар – 150 та сўздан ортмаган*)
- 2. Танлов иштирокчиларидан устунлик жиҳатларингиз нималарда деб ҳисоблайсиз?** (*ташкilotчилик, лидерлик қобилияти, ижтимоий тармоқлардаги ахборот алмашинув ҳамда тарқатишдаги тезкорлик, фаол бўлган жиҳатларингиз ва ҳ.к.- 100 та сўздан ортмаган*)
- 3. Викторина ғолиблари учун тайёрланган дастурдан нималарни кутаяпсиз?** (*Ўзбекистоннинг тарихий қадамжолари ва замонавий масканларига саёҳат, кўнгилочар дастурлар, янги дўстлар орттириш ва бошқалар - 100 та сўздан ортмаган*)
- 4. Сиз Ўзбекистонга келганингиздан сўнг ўзингизнинг иштирокингизда қандай янги лойиҳаларда қатнашиш истагингиз бор?** (*масалан, йўналишингиз ёки мутахассислигингизга оид учрашувлар, соҳа вакиллари учун маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ҳ.к. - 150 та сўздан ортмаган*)
- 5. Викторинада ғолиблар қаторида иштирок этганингиздан сўнг қайтгач, биз билан ўзаро ҳамкорликни қай тарзда йўлга қўя оласиз?** (*таклифларингиз – 200 та сўздан ортмаган*)

Изоҳ: Баёнларни баҳолашда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида иштирокчиларинг ёзма баёнлари шифрланган ҳолда Ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.